

МИН ДАВРИ РОМАНЛАРИДА “ДЕМОҚ”, “АЙТМОҚ” МАЪНОЛИ ФЕЪЛЛАРНИНГ СТРУКТУР-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336790>

PhD. Мустафаева Самида Тошмухаммедовна
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Хитой филологияси” кафедраси докторанти
e-mail: mustafaeva.samida@gmail.com

Аннотация. Мин даври адабиёти хитой филологиясида икки йирик даврга ажратилади. Мазкур мақола Мин даври биринчи ярмига ҳос икки роман “Сан гуо яньи” (《三国演义》) ҳамда “Шуй ху чжуань” (《水浒传》) да қўлланиш частотасига кўра юқори бўлган “айтмоқ”, “демоқ” мазмунидаги феъллар, уларнинг структур, семантик, грамматик-функционал хусусиятларига кўра таҳлилни ўз ичига олган. Таҳлиллар умуман, Мин даври биринчи ярмига мансуб ёдгорликларнинг тил хусусиятлари, тилда лексик бирликлар, хусусан феълларнинг эволюцияси, ҳозирги хитой адабий тилига таъсири борасида зарур ҳулосаларни беради.

Калит сўзлар: Мин даври, 《三国演义》, 《水浒传》, феъл, феъл структураси, семантик хусусиятлари, замон кўрсаткичи, грамматик функциялар.

STRUCTURAL-SEMANTIC CHARACTERISTICS OF VERBS WITH THE MEANING OF "TO SAY", "TO TELL" IN NOVELS OF THE MING PERIOD OF CHINA

Tashkent State University of Oriental Studies
Doctoral student of the Department of Chinese Philology
PhD. Mustafaeva Samida Tashmukhammedovna
e-mail: mustafaeva.samida@gmail.com

Annotation. The literature of the Ming period is divided into two major periods in Chinese philology. This article examines the verbs in the meaning of "to say", "to tell" and "to talk" with high frequency of use in two novels "Three kingdoms" (《三国演义》) and "Water margin" (《水浒传》). The article includes analysis according to semantic, structural and grammatical-functional features of these verbs. In general, the analyzes provide the necessary conclusions regarding the language features of the monuments belonging to the first half of the Ming period, the evolution of lexical units in the language, especially verbs, and their influence on the modern Chinese literary language.

Key words. Ming period, "Three kingdoms", "Water Margin", verb, verb structure, semantic features, tense, grammatical functions.

Мин даври биринчи ярми романлари “Сан гуо яньи” (《三国演义》) ҳамда “Шуй ху чжуань” (《水浒传》) асарларида қўлланиш частотасига кўра юқори ўринда турадиган феъл “гапирмоқ”, “айтмоқ”, “демоқ” маъносини англатувчи феъллардир. “Сан гуо яньи” романида кўрсатилган маънода асосан, 曰 *yuē* лексемаси қўлланган. 曰 *yuē* сўзига лексикографик манбаларда қуйидагича изоҳ берилади: [феъл] 1) 说, 说道 гапирмоқ, айтмоқ.

2) 叫做, 称为 чақирмоқ, атамоқ¹. Икки тилли таржима луғатларда ҳам мазкур лексеманинг айни маънолари кўрсатилади: I . феъл. 1) гапирмоқ, демоқ, овоза қилмоқ. 2) диалогда демоқ маъносида қўлланади. 3) чақирмоқ, атамоқ, дея номламоқ².

Асарларда 曰 *уйе* сўзи асосан биринчи яъни, гапирмоқ, айтмоқ, демоқ маъносида қўлланган. Масалан: 1) 老人曰: “吾乃南华老仙也” Мўйсафид деди: “мен Наньхуадан келган бир кекса элчи”. (С.Я. боб 1. –Б.2.)

1) 角与二弟商议曰: “至难得者, 民心也。今民心已顺, 若不乘势取天下, 诚为可惜。” Чжан Цзяо³ икки ини билан маслаҳатлаша туриб деди: ҳар нарсадан ҳам мушқули халқнинг қалбини забт этиш. (Толёни қарангки,) бугун халқнинг иродаси биз томон, бундай имкониятни қўлдан чиқариб, давлат бошқарувини қўлга киритмаслик эса ачинарли бир ҳолат бўлмай. (С.Я. боб 1. –Б.3.)

2) 玄德曰: 曹操所惧者袁绍。 Сюань Дэ деди: Цао Цаони хайиқтирган Юань Шао эканда. (С.Я. боб 22. –Б.194.)

3) 骁将牛金奋然进曰: “兵临城下而不出战, 是怯也” Нью Цзинь исмли довярак ҳарбий қўмондон эътирозли оҳангда деди: “Душман аскарлари қалъа яқинига келиб турганда чиқиб жанг қилмаслик, қўрқоқликдир”. (С.Я. боб 51. –Б.438.)

Юқорида мисолларда келтирилганидек, 曰 *уйе* феъли диалогларда қўлланган бўлиб, якка ҳолда эгадан кейин (1,3 мисоллар), ёки феъл, айрим ҳолларда феълли бирикмадан кейин келиб, маълум ҳолатда гап эгасининг нима деганини ифодлаш учун қўлланган, бундай гапларда 曰 *уйе* сўзи кесим вазифасидан ундан олдин келган феъл ёки феълли бирикма ҳол вазифасида келган (2, 4 мисоллар).

Айни маънода 曰 *уйе* сўзи тадқиқот объекти саналган иккинчи роман, “Шуй ху чжуань”нинг таҳлили жараёнида мазкур лексеманинг кўрсатилган маънода қўлланганига гувоҳ бўлмадик. “Шуй ху” да гапирмоқ, демоқ, айтмоқ маъносида “道” *dào* сўзи қўлланган. Масалан: 1) 太尉道: “目今天子宣诏, 如何得见?” Хун Синь (ҳарбий бош қўмондон) деди: “Император буйруғи билан келгандим, қандай қилиб ул зот билан учрашсам бўлади?” (Ш.Х. боб 1, –Б.7.)

2) 真人答道: “容禀: 诏敕权供在殿上, 贫道等亦不敢开读。且请太尉到方丈献茶, 再烦计议”。 Роҳиблар (жавобан) деди: “Император буйруғини маросим залида қолдиришни сиздан жаноб қўмондондан илтимос қилсак, биз фақирлар уни очиб ўқишга ҳаддимиз сиғмайди. Ва ижозатингиз билан сизни чойга таклиф қилсакда, барчасини кейин муҳокама қилсак”. (Ш.Х. боб 1, –Б.7.)

3) 武松道: “第一件, 要你便离了快活林回乡去, 将一应家火什物, 随即交还原主金眼施恩。谁教你强夺他的?” У Сун деди: “Биринчидан, зудлик билан Куайхуолиндан чиқиб кетасан, барча нарсаларни эгасига, яъни Ши Энга қайтарасан. Унинг мулкига тажаввуз қилишга қандай ҳаддинг сиғди (ким изн берди)?” (Ш.Х. боб 30, –Б.385.)

4) 蒋门神慌忙应道: “依得, 依得!” Цзян Мэньшэнь ҳовлиққанча жавоб қилди: “албатта, албатта (қайтараман)!” (Ш.Х. боб 30, –Б.385.)

Юқорида мисолларда кўрингани каби “демоқ, айтмоқ” маъноларида эгадан кейин якка ҳолда (1,3 мисоллардаги каби) ёки бошқа феъллар билан бириккан ҳолда қўшма феъл шаклида келиши мумкин (2,4 мисоллар). Икки асарда “гапирмоқ”, “айтмоқ”, “демоқ”

¹ 学生古汉语词典.-北京: 外语教学与研究出版社·2013. 第702页.

² Под. ред. И.М. Ошанина. Большой китайско-русский словарь Т.И. -Москва: Наука, 1983. –С.2390.

³ Ушбу ўринда Чжан Цзяо асар қахрамонининг исми қисқартирилган ҳолда Цзяо тарзида берилган.

маъноларида қўлланган 曰 *yuē* ва 道 *dào* сўзлари асарларда луғавий маъносига кўра тенг лисоний бирликлар сифатида қўлланган. Бироқ, грамматик функцияларига кўра қатор умум хусусиятлар билан бирга айрим фарқлар кузатилади. Хусусан, хитой тилида феъллар шахс-кўрсаткичига эга бўлмайди, шахс-сон эга ва аниқловчи воситасида кўрсатилади. Шу боисдан, ушбу икки феъл ҳам шахс-сон кўрсаткичига эга эмас. Ушбу феъллар кесим вазифасида келган гапларда замон ҳам на лексик, на грамматик кўрсаткич воситасида ифодаланмаган. Аммо, 曰 *yuē* феъли бошқа феъл билан кетма-кет қўлланиб, тенг муносабатли қўшма феълларни ҳосил қилган бўлса, 道 *dào* сўзи сўрамоқ, жавоб бермоқ, илтимос қилмоқ каби феъллардан кейин қўлланиб, тугалланган маънони ифодалашга хизмат қилган, яъни 问道 *wèn dào* (“сўрамоқ” + “демоқ”) ёки 应道 *yīng dào*, 答道 *dá dào* (“жавоб қайтамоқ, юзланмоқ” + “демоқ”) каби бирикмаларда тугалланган ҳаракатни ифодалашга хизмат қилган “сўради”, “жавоб берди” маъноларини ифодалайди. Зеро, бирикмаларнинг биринчи компоненти бўлиб келган феъллар юқорида кўрсатилган маъноларида мустақил қўлланиши мумкин, 道 *dào* феълининг қўшилиши тугалланган иш-ҳаракат эканлигини англатади. Бундан ташқари “Сан гуо янь-и” романида қўлланган 曰 *yuē* сўзи қадимги хитой расмий ёзма тили вэньянга хос бўлиб, байхуа, хусусан, байхуа асосида шаклланган ҳозирги хитой адабий тилида ҳам мустақил қўлланмайди. Тадқиқотнинг яна бир объекти “Шуй ху чжуан” романида айтилган маънода қўлланган 道 *dào* сўзи аксинча, асосан байхуа лексикасига хос бўлиб, унинг яқка ёки бошқа феъллар билан бириккан ҳолда қўшма феъл шаклида қўлланиши ҳозирги хитой адабий тили расмий нутқлар ёки публицистик матнда сақланиб қолган. “Сангуо янь-и” асари тадқиқи жараёнида 道 *dào* феълининг фақат бир ўринда қўлланганини кузатдик: 陈桥在敌楼上，望见周瑜亲自入城来，暗暗喝采道：“丞相妙策如神！” Чэнь Цяо юқоридан Чжоу Юй шахсан ўзи қалъага кирганини кўриб ўзига ўзи деди: “Цао Цао (бош вазир)нинг айёрони режаси иш берди!” (С.Я. боб 51. –Б.441.) Бу ўрнида 道 *dào* сўзи демоқ, айтмоқ маъносида қўлланган, аммо қўлланишда ўзига хослик шундаки, у 喝采 *hècǎi* “баланд овозда бирор нарсани мақтамоқ” феъли⁴ билан қўлланган. Бу феълли бирикма олдидан келган 暗暗 *àn'àn* “оҳиста, яширинча” маъноларини англатади. Шу боисдан ушбу ўринда 道 *dào* паст овозда сўзламоқ, ўзига ўзи шивирламоқ маъносини ифодалаган.

“Шуй ху чжуан”да 曰 *yuē* феъли фақат боларнинг боши давр бадиятидаги анъанага мувофиқ шеърий парча билан бошланган ана шундай шеърий мисралардан олдин “诗曰” “шеърда дейилишича” бирикмаси келган (ШХ –Б. 5, 155, 223, 288 ва б.).

Икки романда ҳам ҳозирги хитой тилида “гапирмоқ”, “айтмоқ”, “демоқ” маъноларида фаол қўлланувчи 说 *shuō* феъли 却说 *quèshuō*, 且说 *qiěshuō*, 话说 *huàshuō* икки компонентли қўшма сўз таркибида келган. Қадимги хитой тили лексикаси бўйича тузилган лексикогорафик манбаларда 却说 *quèshuō*, 且说 *qiěshuō* сўзлари феъл сифатида эътироф этилиб, 《黛玉之死》 “~ 黛玉虽然服药，这病日重一日” “Дай Юйнинг вафоти” асарида “Дай Юй дориларни қабул қилаётган бўлса-да, унинг аҳволи кун сайин оғирлашиб бораверарди”. Мазкур лексема таржимада акс этмаса-да, хитой тилида у феъл туркумига оид мустақил сўз сифатида тавсифланади⁵. Мумтоз хитой адабиётида, жумладан, тадқиқот объекти бўлган Мин даврига оид икки романда ҳам мазкур сўз асар бир қахрамонининг ҳолатидан бошқасига ўтаётганда, ёки воқеанинг бир жойдан бошқа жойга кўчаётганда хатбошида қўлланган. Бу сўзнинг қўлланиши, ўзбек тилида кириш гапга мос келади. 话说 *huàshuō* ҳам

⁴ 学生古汉语词典. -北京：外语教学与研究出版社，2013. 第190页.

⁵ 学生古汉语词典. -北京：外语教学与研究出版社，2013. 第424页.

қўшма феъл бўлиб, айни юқоридагига ўхшаш вазифада келган, Мин даври романларида мазкур қўшма феъл асарларда боб ёки бўлимларнинг бошида қўлланган, аксар ҳолларда таржимада акс этмайди, аммо хитой тилида феъл туркумига оид сўз саналади. 却说*quèshuō*, 且说*qiěshuō* сўзлари таркибидаги 却*què* ва 且*qiě* асосан боғловчи вазифасида қўлланади, аммо улар давр ёдгорликларида 说*shuō* сўзи билан бирикиб, феъл сифатида қўлланган. 说*shuō* феълнинг ҳозирги хитой тилидаги семантик ва функционал хусусиятлари билан кам бўлса-да, “Шу ху чжуан”да кузатиш мумкин: ...因此杀死大虫的话, 说了一遍。Шу боис йўлбарсни ўлдиргани ҳақидаги хикояни яна бир бор айтиб берди. (Ш.Х. боб 43. –Б.576.)

Мақола доирасида амалга оширилган таҳлиллар, келтирилган мисоллардан келиб чикиб қуйидаги хулосага келиш мумкин: “Сангуо яньи” асарида “айтмоқ”, “демоқ” мазмунидаги феъл асосан, содда структурага эга, мураккаб структурада айни мазмунни англутувчи феълнинг асарда икки ўринда қўлланганини аниқладик. “Шуй ху чжуан”да феълларнинг тузилиши соддадан мураккабга ўзгаргани кузатилади; Луғавий маънодаги ўзгаришлар ҳар иккала асарда ҳам мавжуд, уларнинг ҳар бирида қўлланган феълларда маъновий тафовут ҳозирги хитой тили билан солиштирган ҳолда иккига ажратиш мумкин: тўлиқ ўзгариш ва қисман ўзгариш. Шунингдек, асарларда учинчи гуруҳ, яъни луғавий маъноси ўзгармаган феъллар ҳам мавжуд; “Сангуо яньи” романида “айтмоқ”, “демоқ” мазмунида қўлланган 曰*yuē* феъли ҳозирги хитой адабий тилида деярли қўлланмайди. “Шуйху чжуан”га хос 道*dào* феъли эса, ҳозирги хитой тилининг айрим услублари, жумладан, расмий ва публицистик усулда қўлланишини сақлаб қолган бўлиб, унда асосан мураккаб структурадаги феъл компоненти сифатида келади. Асарларда учраган 喝采*hècǎi* феъли эса ҳозирги хитой тилида алоҳида шаклда “айтмоқ” маъносига мутлақо алоқадор бўлмаган мазмунларда қўлланади. Асарларда 说*shuō* компоненти феъллар асосан, хикоянинг бошланиши, воқеанинг бир жойдан бошқа жойга ёки сўзнинг бир қаҳрамондан бошқасига кўчиши ҳолатларида қўлланган. ҳозирги хитой тилида эса 说*shuō* феъли “айтмоқ”, “демоқ” мазмунида яқка ёки қўшма феъл мазмуни энг кўп қўлландагидан феъл бўлиб, нейтрал бўёқдорликка эга лексика ҳисобланди.

REFERENCES

1. 学生古汉语词典.-北京：外语教学与研究出版社，2013. 第702页.
2. Под. ред. И.М. Ошанина. Большой китайско-русский словарь Т.П.-Москва: Наука, 1983. –С.2390.
3. Дана, К. А. (2020). ВЛИЯНИЕ ФИЛОСОФИИ УСИН НА ЭТИМОЛОГИЮ И СЕМАНТИКУ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА (НА ПРИМЕРЕ ОТДЕЛЬНЫХ ГРУПП СЛОВ). In Россия-Китай: история и культура (pp. 35-40).
4. 罗贯中.三国演义.-北京：人民文学出版社，1979. Луо Гуаньчжун. Сангуо яньи. –Пекин: Рэнминь чубаншэ, 1979.
5. 施耐庵. 水浒传.- 北京：人民文学出版社，2005. Ши Найъан. Шуйху чжуан. –Пекин: Рэнминь чубаншэ, 2005.
6. СА Насирова. Генезис общественно-политической терминологии через призму истории китайской дипломатии (2020). In Modern Oriental Studies 2 (2), 22-33,2020.